

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК  
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**425** Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1443-1*

*(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сон буйруғи (рўйхат рақами 1443, 2005 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 2-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**А. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 26 август,  
34-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.